

Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин!



17:00 / 24.08.2022 6051

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Умар Жобияда бизга хутба қилди: «Эй одамлар! Мен сизларнинг орангизда худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг орамизда турган мақомларида турибман. У зот шундай деганлар: «Сизларга саҳобаларимни тавсия қиламан. Сўнгра улардан кейин келадиганларни. Сўнгра улардан кейин келадиганларни. Сўнгра ёлғон тарқалади. Ҳатто кишидан қасам ичиш сўралмаса ҳам, қасам ичаверади. Гувохлик сўралмаса ҳам, гувохлик беради. Огоҳ бўлинглар! Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин! Агар шундай бўлса, учинчилари шайтон бўлади. Жамоатни лозим тутинглар, тафриқадан (бўлинишдан) эҳтиёт бўлинглар. Чунки

шайтон битта биландир, иккитадан узоқроқ бўлади. Ким жаннатнинг ўртасини ирода қилса, жамоатни лозим тутсин. Кимни яхшилиги хурсанд қилиб, ёмонлиги маҳзун қилса, ана ўша мўминдир».

Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.